



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 16 - 14 noyabr

71a -son

Bog‘ot shaharchasi

**Фуқаро Авезова Рахатжон
Исмаиловнанинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида**

Боғот тумани “Оқтепа” маҳалласида яшовчи фуқаро Авезова Рахатжон Исмаиловнанинг “Оқтепа” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 27 ноябрдаги ХО-А-3372-сонли аризасини, “Оқтепа” маҳалла фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 26 ноябрдаги 4070-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Боғот тумани “Оқтепа” маҳалласида жойлашган 10 (ўн)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 101,77 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 6 (олти)та бўлиб, ички ўлчами 139,34 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 241,11 квадрат метр, қурилиш ости майдони 339,36 квадрат метр, умумий ер майдони 600,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Авезова Рахатжон Исмаиловнага мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Авезова Рахатжон Исмаиловнага ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар

билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Авезова Раҳатжон Исмаиловнага ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев